

# Маржаббе, Наврўзи олай!

# Maarifatchi

Халқ зиёдилари рўзномаси

معرفت  
MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 йил 20 МАРТ, ШАНБА

№ 19 (8530).  
Баҳоси 5 сўм.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1993 йилнинг 1 апрелидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида

Истеъмол моллари ва хизматларнинг нархлари тўхтовсиз ўсиб бораётган шартда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида:

1. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 3.000 сўм миқдорда белгилансин. Ёки ишловчиларнинг мансаб оқладлари
- 1.2 баравар оширилсин.
2. Фуқароларнинг соғлиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 3.000 сўм миқдорда белгилансин.
3. Ҳозирги вақтда берилган барча турдаги пенсияларнинг миқдори 30 фоиз оширилиб, меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 3.250 сўм қилиб белгилансин.
4. Олий ўқув юртлири талабаларининг стипендиялари, кийим-бош ва оқват билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда хуна-

техника билим юртлири ўқувчиларнинг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошконалари ва буфетларида тушлик оватларнинг қиймати 50 фоиз чеғирмалар саклаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларни оширишга маъмурий Формонда кўзда тутилган сарф-харajatларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.
6. Бюджетдан пул билан таъминланмайдиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирилар Кенгаши, вилоят-

лар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу Фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сўтқаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб оқладлари ўз вақтида қайтадан ҳи-

соблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ушбу мақсадларга ўзларининг маб-далар манбаларини қидириб топишларига қараб маъмурий Фармонда белгиланган меҳ-

нат ҳақининг энг оз миқдорини жорий этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўлашини таъминловчи чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1993 йил 18 март.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

1993 йилнинг 1 апрелидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида

МДХ давлатлардаги аниқ иқтисодий вазиятни ва шу даржада эканлигини эътиборга олиб, бизнинг республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини барқарор таъминлаш мақсадида 1992 йилдан буйи даромадлар индексацияси (курساتкичи) механизмлари қўлланилмоқда. Бу механизм иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг энг оз миқдорларини вақт-вақт билан қайта кўриб чиқишга

ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини оширишга асосланган.

Президентнинг Фармони билан Ўзбекистон Республикасида 1993 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдори 1,2 баравар ва пенсиянинг энг оз миқдори 1,3 баравар оширилди. Уларнинг миқдори тегишли равишда ойига 3000 сўм ва 3250 сўм қилиб белгиланган. Бу эса яшаш учун зарур бўлган энг оз қийматининг ўзгаришига мувофиқдир. Олий ўқув юртлири талабаларининг, кийим-бош ва оқват билан таъминланмайдиган ҳамда хуна-техника билим юртлири ўқувчиларнинг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилди.

Маълумки, Вазирилар мажмасининг 1992 йил 26 декабрдаги 390-сон қарорига биноан Ўзбекистон ҳудудида 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб меҳнат ҳақи ягона тариф сўтқаси билан тартибга солин-

ди. Энг оз иш ҳақи миқдори унга асос қилиб олинган бўлиб, унинг ойига 3000 сўмгача ошириш ҳаққ тўлашнинг даромадларини кўпайтирди. Ушбу Ватан уруши катташчилари ва ногиронлари пенсиясининг энг оз миқдори ўрта ҳисобда 1300 сўм ошди, шу жумладан, катташчиларнинг пенсияси 3900 сўмдан 5100 сўмга, биринчи гуруҳ ногиронларининг пенсияси 7800 сўмдан 10200 сўмгача кўпаяди. 1 апрелдан бошлаб

олий ўқув юртида стипендиянинг ўрта миқдори 2424 сўми, техникумда 1884 сўми ва хуна-техника билим юртлирида 1260 сўминг ош-тирилди. Талабаларнинг ошконаларида тушлик оватларнинг қийматидан талабалар учун 50 фоизли чеғирмалар саклаб қолинган.

Маориф тизими ходимларининг оқладлари амалдаги 6100 сўмга нисбатан ўрта ҳисобда 7300 сўмга ортади, яъни 1200 сўм кўпаяди.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ўрта оқладлари 4900 сўмдан 6000 сўмга, шу жумладан, биринчи тоифадаги шифокорнинг оқлади 6350 сўмдан 7600 сўмга, тиббий ҳамширанинг оқлади эса 3435 сўмдан 4100 сўмгача кўпаяди.

Илм-фан ходимларининг ўртача оқладлари умуман 5600 сўмдан 6800 сўмгача ошгани ҳақда кичик илмий ошқининг оқлади 5800 сўмдан 7000 сўмга, катта илмий ходимнинг оқлади 9100 сўмдан 11000 сўмгача кўпаяди. Фармонда хўжалик ҳисобидидаги ташкилотларга корхоналарда ишловчилар учун иш

ҳақининг энг оз даражасини тегишли равишда ошириш имкониятларини кўриб чиқиш ва қидириб топиш тақриф этилади.

Солиқ олинмайдиган пул даромадларининг энг паст даражаси 3000 сўм миқдорда белгиланган. Бу эса кам даромадли озиқларнинг реал даромадида сезиларли қўшмача бўлади.

Ушбу Фармонда кўзда тутилган иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларни оширишга сарфланмайдиган харajatлар 1993 йилнинг ўзидagina 60 миллиард сўмдан кўпроқ давлат маблағларини ташкил этади.

### НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН!

Ҳурматли мураббийлар, устозлар, ўқувчилар ва халқ таълими фидойилари!

Ниҳоят, орзиқиб кутган баҳор байрами — Наврўз ҳам эшик қоқмоқда. Утган байрамдан буйи сиз билан биз халқ таълими тизимида катта ўзгаришлар, буюк воқеалар бўлганлигининг гувоҳимиз. Истиқболимиз кафолати бўлмиш Бош қонун — Ўзбекистон Конституцияси, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Бу даврда халқ таълими тизими ходимлари ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг узоқни кўзлаб чиқарган қатор фармонлари асосида бозор иқтисоди шароитида халқ таълими ходимлари ижтимоий муҳофаза этиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалда ижро этилмоқда. Эндилликда халқ таълими йўналиши ҳам туб бурилишлар сари бормоқда. Ешларга таълим-тарбия беришнинг янги усуллари, педагоглар орасида янги тажрибалар жадаллик билан шаклланимоқда. Янги режалар, дарслик ва дастурлар, қўлланмалар яратилаяпти. Ўзбекистон халқлари тарихи, одобнома дарсликлари мактабларда ўқитилмоқда.

Азиз устозлар, мактабга ва мактабдан ташқари муассаса ходимлари, мактаб ўқитувчилари, билим юртлири ва педагогика олий илмгоҳларининг мураббийлари, ҳали олдимизда янада катта масъулиятли синовлар турибди. Асосий вазифамиз ҳам мустақил Ўзбекистониимизнинг келажиги учун муносиб ворисларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Қадрли халқ таълими ходимлари, муҳтарам муаллимлар, улуғ айём — Наврўз байраминиз муборак бўлсин! Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас бахт-саодат, оилангизга тотув-лик, олижаноб фаолиятингизга баркамоллик, машаққатли ва заҳматли меҳнатларингизга ҳамиша омад ёр бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ.**



Жумҳуриятимиз истиқлолга эришиб, ўзигини англаб олганимизга ҳам бир йилдан ошган. Кўпгина қадриятлар қаторида ешларни ватанпарварлик, байналмилалчи руҳида тарбиялаш шу кунларда педагоглар олдидаги долзарб ишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Аваллари собиқ Иттифок тарихида бўлганимизда фарзандларимизнинг турли жумҳуриятларда хизмат бурчини утаганили, баъзан эса айрим гаплар ҳам ора-тикала хизматга деганда ешлар орасида бўйни товландилар ҳам топилиб турганлиги сир эмас. Лекин эндилликда биз истиқлолга эришдик, демок, мустақил жумҳуриятни ҳамиша ёмон кўзлардан асраш, дўстларга оғир дамлларда ердан бериш учун ўзининг армияси, ас-

### ИЖОДИЙ ИШЛАШ САМАРАСИ

Ҳар бир ўқув йилининг ўз хусусияти бўлади, нимаси билан бир-биридан фарқ қилади, мактаб ҳаётига илгари назар ташланмаган, гоҳида мутлақо янги жиҳатларни олиб киради. Шу жиҳатдан бу ўқув йили ҳам истисно эмас.

Кунчи кеча бўлган воқеани олайлик. Наврўз байрами арафасида 10-«А» ва 8-«В» синфларининг ўқувчилари ўзаро билимдонлик баҳсини ўтказишди. Баҳсини қузатиб ўтириб, бугунги кун ҳали балогат ёшига етмаган болаларни қанчалик уйлантириб, сермушоҳа, сермушоҳаза қилиб юборганини уйлаб кетдим.

Бугун ўқувчиларимиз, асл маънода ўз нуқтан назарларига эга эканликларининг, билимларга, ҳаётга, янгиликка ижтимоий-иқтисодий муносаботларга ўз янгишулари мавжудлигини намойиш этмоқдалар. Мустақил фикрлаш, қилишларни парчалашга интилиш мустақил Ўзбекистониимиз эртанги кунни парлоқиндан нишонандир.

Ҳа, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ижодий, фаол ҳамкорлиги тарбиявий ишда шундай самара бермоқда. Ўқувчиларда билимларини мустақил ўрганишга иштиёқ кучаймоқда. Ўқитувчиларимиздан Р. Арлов, М. Исоқов, М. Соттиқулова, М. Тургуновлар бу иштиёқни қучайтириш, ешларга замонвий билимларни чуқур қўллашга ўргатиш йўлида тинмай изланмоқдалар. Математика, ЭХМ, биология, физика фанлари бўйича дарс бераётган бу устозларнинг ҳар бир машғулотига ўзига хос усуллар ўтиши ешлардаги инқизиқини муттасил қучайтириб боради.

Мана шу ишларнинг оқиба-ти ҳам кўзга аққол ташланмоқда. Ўқувчиларимиз фанлар бўйича турли босқичларда ўтказилаётган билимдонлик баҳсларида тобора санолашга тайёрланишда мактабимизда мунтазам ўтказиб туриладиган «Баҳс», «Иқбол», «Қувноқлар ва зукколар», «Балли, йиғилар», «Иқбол чашмалари» сингари музозор, мушоҳаба, мунозира кечаларининг аҳамияти катта бўлаётир.

Табиики, бундай кечаларини, танловларни тайёрлаш ва ўтказиш нуқтани сарф-харajatни тақозо этади. Айниқас, ҳозирги вақтда, мактаб-маориф тизимининг бу борадаги имкониятлари эса ҳаммаманга маълум. Инчунин, биз бу жаҳда ҳам тинмай изланмоқдамиз.

Чунончи, ўқитувчиларимизнинг «Шик», «Данак» операцияларини иштироки шунанки бир тадбир сифатида эмас, балки мактабимизда амалга оширилаётган тарбиявий тадбирларнинг моддий асосини таъминлаш мақсадида ўтказилаётир. Бу операциялардан тушган маблаг кўриқлар, танловлар, мушоҳабалар, учрашувлар ўтказишга сарфланмоқда.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мушоҳабани чуқурлаштиришда олис-қиқин мактаблар билан дўстона алоқалар ҳам яхши натижа берапти. Бу янгилик мактабимиз ҳаётига сингиб боришида Абдулло Аллонинг номи Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказини институтини қудимларидан Муҳаббат Арслонова билан Гавҳар Ўбайдуллоева-

ларнинг ташаббускорлиги катта ўрин тутди. Эндилликда мактабимиз ўқувчиларининг Тошкент вилоятининг Қўблай ноҳиясидаги 25-30-мактаб талабалари билан алоқалари мунтазам тус олди. Мазкур мактабларнинг ўқувчилари бизнинг меҳмонларимиз бўлишди. Улар билан Наврўз оғоз қишлоғимиз, Янгиқўрган тарихи билан танишишди, вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. Меҳмонлар билан меҳмонларнинг «Иқбол чашмалари» кўрик-беллашуви ниҳоятда қизиқарли ўтди.

Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти, Олабўқ туманидаги 8-ўрта мактаб ўқувчиларини ҳам мактабимизга тақриф қилдик. Икки қардош мамлакат ешларининг бир пиёла чой устидаги суҳбатлари гоҳ мароқли, ибратли тус олди. «Қувноқлар ва зукколар» танловида иккала мактаб ўқувчилари унга пухта тайёрлик кўрганликларини намойиш этишди.

Бу танлов ва беллашувларда Дўстлик галаба қозонди. Улар ўқувчиларнинг маънавий камолотига, билим дорларини кенгайтиришга катта таъсир кўрсатди.

Бу тадбирлар жараёнида педагогик жамоамизнинг ўзи ҳам янги-янги тажрибалар орттирмоқда, таълим-тарбиянинг янги, бугунги кун эътиҳига жавоб берувчи усулларини эгаллаб бормоқда. Энг муҳими, ижодий ишлаш иштиёқи янги-янги жиҳатларини кашф этмоқда.

**Б. СОТТИҚУЛОВ,**  
Наманган вилояти Янгиқўрган туманидаги 31-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

### МАКТАБИМИЗНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМДА ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗНИ ҲАР ҚАЧОНГИДА ҚўРА УЮШТИРАДИ

Мақтабимизнинг ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар жамоаси баҳор байрами — Наврўзни ҳар қачонгида қўра уюштириб ҳақда кутиб олмоқдалар. Мақтабда Наврўзга бағишлаб ҳақар ўтказилди. Ҳашарда 5—11-синф ўқувчилари фаол иштирок этишди. Синфхоналар, мактаб ҳовлиси ва кўчалар тартитига солиниб, ариқлар тозаланди. Дарахтарларнинг ортқча шохлари кесилиб, шакл берилди ва оқланди.

Турли мева ва гул қўчатлари ўтказилди.

Мақтабда фаолият кўрсатаятган «Яшайвер, китоб» тўғраги аъзолари 200 га яқин китобини, еш дурдоргилар эса сингнан стол ва стуллари таъмирлади. Шунингдек, ҳақар кун ўқувчилар 1250 килограмм темир парчалари тўплашди.

Шанба кунда ўқитувчилардан Васила Шоқаборова, Шахло Ғуломова, Алла Аса-

нова раҳбарлик қилаётган 9—«Б», 10—«А» ва 11—«Б» синф ўқувчилари фаолият кўрсатиб, бошқаларга намуна бўлишди.

Ҳар бир синф бўйича ўқувчилар Наврўзга бағишлаб альбом ва деворий газеталар тайёрлашди. 8—11-синф ўқувчилари иштирокида «Ассалом, — Наврўз» кечаси ўтказилди. Кечда Гулбаҳор Раҳимова раҳбарлигидаги рақс тўғраги аъзолари дилга ором берувчи рақслари билан қатнашчиларини хушнуд этишди.

Кечга Абдор Ҳидоятлом домли театр актёрлари ҳам таъриф бўзирлиди. Улар Қамза Ҳақимзода Нисёнинг «Вой ила хизматчи» спектаклидан парча кўрсатдилар, Наврўз ҳақнда дилрабо қўшиқлар қўйладилар, пародия ва қувноқ интермедиялар билан дилларга завқ шавқ бағишлашди.

**Т. ҲУСАНОВ,**  
Шайхонтоқур туманидаги 59-ўрта мактаб касба ўқитмаси раиси.

### Ватанпарварлик ҳисси

### ТАЖРИБАЛАРИМИЗ ТАЛАЙГИНА

карлари ҳам бўлиши лозим. Хўш, бўлажак аскарлар қаердан тайлланади? Ватанпарварлик ҳар кимнинг ўз уйи оstonасидан бошланади. — дейишди.

Шу маънода ҳозир биз мактабларда ешларга сабоқ бераётганда меҳр-муруватли, одоли ва байналмилалчи бўлиб етишишга қаратилган тарбия асосида таълим бермоғимиз лозим. Ажс ҳолда кўзланган натижага эришишда анчангина мушкул-лик бўлиши мумкин.

Дарвоқе, бу борада Шаҳрисабз тумани халқ таълимида бирмунча тажрибалар тўпланди. Бисотимиздаги мактабларнинг ҳарбий таълим муаллимлари, мутахассислари билан ҳамфикр бўлиб, мактабларга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари байналмилалчи жангчиларнинг вакиллари тез-тез тақриф этиладиган бўлди. Улар ўқувчилар билан бўлган мулоқотларда ўзлари кўрган кечирганлари, урушнинг хуноқ оқибатлари ҳақнда сўзлаб беришмоқда. Натижада ўқувчиларимизда урушга бўлган муносабат ўзгариб, ватанини севиш, унинг ҳар бир нарсасини қўқарганидай асраш ҳисси орттиб бормоқда.

Тажриба тарикасида ай-

таълим дарсларини ўтишдан ташқари, табиат қўйнида машғулотлар ўтказиш, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро спорт беллашувлари ва қурик-танловлар ҳам кенг ўрин олган.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича яна кўплаб режаларимиз мавжуд. Энг муҳими, мустақил давлатда яшаётган эканимиз, унинг ҳар бир юмушига жиҳдий қараб, кенглик пайтада жон фидо қилишга ҳам тайёр турмоғимиз лозим. Ўқитувчиларимиз эса ешлар таълим-тарбиясида алоҳида аҳамият берсалар байналмилалчилик, ватанпарварлик руҳи билан уларни тарбияласалар, олдимизда турган муҳим масалаларнинг яна бири ўз ечимини топган бўларди.

**Б. СУЛТОНОВ,**  
Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими мудири.